

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2024 йил 5 июнь куни, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи З.Бобонов, судья ёрдамчиси Ш.Жалиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сирғали туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Ш.Очилов ва унинг адвокати Г.Ачилова ҳамда жабрланувчи Ш.Саидовнинг иштирокида, Очилов Шухрат Пармоновичга оид 1-1011-2401/198-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Очилов Шухрат Пармонович (Ochilov Shuhrat Parmonovich), 1974 йил 4 ноябрда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1) Қоракўл туман судининг 1999 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддасининг 3-қисми билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

2) жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг

2010 йил 24 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

3) жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг 2015 йил 22 сентябрдаги ҳукмига кўра,

ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари билан

ЖК 60,61-моддалари тартибида 6 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил

19 мартдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, ЖК 60-моддаси тартибида узил-

кесил 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган ва ЖПК 463-моддасининг 2-

қисмига асосан қамоқда сақланган кунлари тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари

жазосидан ортиқ бўлганлиги сабабли, жазодан озод қилинган, Бухоро вилояти,



Қоракўл тумани, Мустақиллик маҳалласи, Манзилобод кўчаси, 28-уйда яшайди, шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

Судда аниқланишича, Ш.Очилов илгари фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, хавfli рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2022 йилнинг январь ойларида таниши Ш.Саидовга 800 метр атрофидаги эски темир қувурларни олиб беришини ваъда қилиб, фақат қувурларни бошқага сотилиб кетилмаслиги учун бошланғич тўлов сифатида пул бериб қўйиш кераклигини билдириб, уни алдаб, ўша пайтдаги банк курси бўйича қиймати 13.356.000 сўмга тенг бўлган 1200 АҚШ долларини олиб, ваъдасини бажармасдан, уни алдаб кетган.

Судланувчи Ш.Очилов суд мажлисида айбига қисман иқрор эканини билдириб, эски қувурлар савдоси билан шуғулланиши, Ш.Саидов билан 2021 йилда темир қувур олди-сотдиси бўйича танишиб қолгани, ўшанда ҳам унга қувур олиб бергани, 2022 йилнинг бошларида бир таниши билан Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, Мурунгов посёлкасидаги аҳоли ичимлик суви учун 1968 йилларда ер остидан тортилган темир қувурларни полиэтилен қувурларга алмаштириш ишларини бошлашгани, шунда фойдаланишдан чиққан эски темир қувурлар ҳақида Ш.Саидовга айтгани, Ш.Саидов қувурларни олишини билдиргач, Тошкент шаҳрида ўқийдиган ўғли Ф.Фармоновни Ш.Саидовнинг олдига юбориб, ундан бошланғич тўлов сифатида дастлаб 1000 АҚШ доллари олгани орадан 10-15 кун ўтгач, ўзининг эҳтиёжлари учун яна 200 АҚШ доллари олиб, ушбу пулни ҳам қувурни пулига қўшиб ҳисоблашга келишишгани, бироқ қовлаб олинган эски қувурлар масаласида маҳаллий аҳоли билан низоли вазият юзага келгани, шу сабабли Ш.Саидовга узоғи билан бир ой ичида қувурларни олиб беришни ваъда қилган бўлса-да, ваъдасини бажара олмагани, Ш.Саидовдан олган пулларни

□ латиб қўйгани учун пулини ҳам қайтариб бера олмагани,



дастлабки тергов жараёнида Ш.Саидовдан олган пулларни тўлиғича қайтариб, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплагани, ўғли Ф.Фармоновнинг ушбу ишларга умуман алоқа йўқлиги, ўғли фақат унинг кўрсатмасига асосан Ш.Саидовдан пулларни олиб, такси орқали унга жўнатиб юборгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани ҳақида кўрсатув бериб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд, судланувчи Ш.Очиловнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликдаги айби, ўзининг судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд муҳокамасида тўпланган, текширилган ва ҳуқуқий баҳо берилган қуйидаги далиллар, яъни:

жабрланувчи Ш.Саидовнинг суд мажлисида, 2020 йилда қўшимча даромад олиш мақсадида, эски металл савдоси билан ҳам шуғулланишни бошлагани, Ш.Очилов билан 2021 йилда танишгани, ўша пайтда Ш.Очилов унга эски қувурларни арзонроқ нархда топиб бергани, 2022 йил январь ойининг бошларида Ш.Очилов унга қўнғироқ қилиб, бир танишида 800 метрлар атрофида эски темир қувурлар борлигини, таниши ушбу қувурларни 20.000 АҚШ доллариغا сотмоқчи эканини, агарда ушбу темир қувурларни сотиб оладиган бўлса, олдиндан 1000 АҚШ доллари миқдоридан пул бериб, маҳсулотни банд қилиб қўйиш кераклигини, темир қувурларни 15 кун, узоғи билан бир ой ичида тозалаб, унга етказишини, пулнинг қолган қисмини маҳсулотни олаётганида беришини билдиргани, у Ш.Очиловнинг таклифига рози бўлиб, унинг Тошкент шаҳрида олийгоҳда ўқийдиган ўғли Ф.Фармонов орқали 1000 АҚШ доллари бериб юборгани, орадан 10-15 кун ўтгач Ш.Очилов унга қўнғироқ қилиб, ўзининг шахсий эҳтиёжи учун яна 200 АҚШ доллари сўрагани ва ушбу пулларни ҳам олинадиган темир қувурнинг пулига қўшиб ҳисоб-китоб қилишларини билдиргани, у рози бўлгач, Ш.Очилов ўғлини унинг ёнига юборгани ва у 200 АҚШ доллари бериб юборгани, орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, у Ш.Очиловга қўнғироқ қилиб, темир қувурларни қачон етказиб беришини сўраганида, Ш.Очилов биров кутиб туришини айтиб, 7-8 ой вақт алдаб келгани, кейинчалик эса телефонини ўчириб қўйганини, шундан кейин ҳам Ш.Очиловни танишлари орқали суриштириб юргани, бироқ Ш.Очилов бир йилдан буён уни алдаб, яшириниб юргани учун ички ишлар



идораларига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлгани, дастлабки тергов жараёнида Ш.Очилов етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, шунингдек, мазкур ҳолатга Ш.Очиловнинг ўғли Ф.Фармоновнинг алоқаси йўқлиги, у фақат отасининг кўрсатмаси бўйича пул олиб кетгани ҳақидаги кўрсатуви, шунингдек, Ш.Саидовнинг аризаси, тушунтириш хати, Ш.Очилов ва Ф.Фармоновларнинг тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, Ш.Саидов томонидан тақдим қилинган – Ш.Очилов ўртасидаги ўзаро ёзишмалари қайд этилган дискни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва ёзишмаларнинг фото кўринишлари, Ш.Очиловнинг муқаддам судланганлигига оид суд ҳужжатлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, Ш.Очиловнинг жиноий ҳаракатлари квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг хавfli рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ш.Очиловга жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд:

жиноят оқибатида жабрланувчи Ш.Саидовга етказилган мулкий зарар тўлиқ қопланганлигини эътироф этишни;

Ш.Саидов томонидан тақдим қилинган, Ш.Очилов билан ўзаро ёзишмалари ёзиб олинган бир дона дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Очилов Шухрат Пармонович (Ochilov Shuhrat Parmonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-смининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир



қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ойлик иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижроси Ш.Очилов доимий яшайдиган ҳудуд бўйича Бухоро вилояти, Қорақўл туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Ш.Очиловга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қоплангани эътироф этилсин.

Ш.Саидов томонидан тақдим қилинган, Ш.Очилов билан ўзаро ёзишмалари ёзиб олинган бир дона диск жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки истаклари бўйича ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
З.Бобонов

имзо

Аслига тўғри:

Маъсул судья: Бобонов Зафар Қувондиқович

